



THE FORMATION OF THE CONCEPT OF HUMAN RIGHTS

Jalalov Rustam Sharifovich

Namangan Regional Prosecutor's Office
Head of the Organizational Control and Analytics Department,
First-class Lawyer

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14021035>

ARTICLE INFO

Received: 25th October 2024
Accepted: 30th October 2024
Online: 31th October 2024

KEYWORDS

Human rights, historical development, Ancient Greek philosophy, ancient legal systems, rule of law, justice, natural rights, international law.

ABSTRACT

This article examines the historical development of the concept of human rights and the factors that contributed to its evolution in ancient societies. It highlights the role of legal systems and philosophy in Ancient Greece, Rome, and the East in shaping human rights. The article describes the processes by which state power was established on the principles of justice and equality and explores the early models of human rights. Furthermore, the principles that formed the foundation of modern international law are identified through the development of law and state concepts.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҒОЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Жалалов Рустам Шарифович

Наманган вилоят прокуратураси
Ташкилий-назорат ва таҳлилоти бўлими бошлиғи,
1-даражали юрист

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14021035>

ARTICLE INFO

Received: 25th October 2024
Accepted: 30th October 2024
Online: 31th October 2024

KEYWORDS

Инсон ҳуқуқлари, тарихий шаклланиш, Юнон фалсафаси, қадимги ҳуқуқий тизимлар, қонун устуворлиги, адолат, табиий ҳуқуқлар, халқаро ҳуқуқ.

ABSTRACT

Ушбу мақолада инсон ҳуқуқлари ғоясининг тарихи, унинг шаклланиш жараёни ва қадимги жамиятлардаги ривожланиш омиллари таҳлил қилинади. Мақолада қадимги давлатларда, айниқса Юнон, Рим ва Шарқ давлатларида ҳуқуқий тизим ва фалсафанинг инсон ҳуқуқлари ривожига қўшган ҳиссаси кўрсатилади. Шундай қилиб, давлат ҳокимиятининг адолат ва тенглик асосида шаклланиши ва инсоният тарихида инсон ҳуқуқларининг илк намунавий шакллари яратилиш жараёнлари ёритилади. Ҳуқуқ ва давлат тушунчаларининг ривожланиши орқали ҳозирги халқаро ҳуқуқнинг шаклланишига асос бўлган тамойиллар аниқланади.



Инсон ҳуқуқлари инсоният тамаддунининг муҳим ютуғи сифатида миллий ва халқаро даражадаги ҳуқуқий тизимлар асосини ташкил қилади. Ҳуқуқ ва эркинликлар фақатгина мустаҳкам ҳуқуқий асослар орқали таъминланиб қолмай, улар жамиятда адолат ва тенглик принципларини амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Инсон ҳуқуқлари институтининг шаклланиши ва ривожланишини ўрганиш нафақат тарихий аҳамиятга эга, балки замонавий ҳуқуқий тизимларнинг мукамаллигини таъминлашда ҳам муҳимдир. Қадимги даврларда давлат тузилиши, иқтисодиёт ва маданият инсон ҳуқуқларининг шаклланишига таъсир қилган. Юнон, Рим, ва Шарқ цивилизацияларида инсон ҳуқуқлари концепциясининг илк ғоялари ва асослари яратилган. Улар инсонлар ўртасидаги адолатли муносабатларни таъминлашга интилган ва ҳозирги халқаро ҳуқуқ ва қонунчилик тизимларининг пойдеворига айланган. Мазкур мақолада инсон ҳуқуқларининг тарихий ривожланишига таҳлилий назар ташланади, қадимги жамиятларда инсон ҳуқуқлари ғояларининг шаклланиш жараёнлари ва давлат ҳокимиятининг адолат ва тенглик асосида ташкил этилиши кўриб чиқилади. Юнон ва Рим мутафаккирлари ҳамда Шарқ фалсафаси томонидан илгари сурилган ғоялар бу борада муҳим манба бўлган.

Инсон ҳуқуқларини ҳуқуқий ва фалсафий жиҳатдан чуқур ўрганиш, уларнинг келиб чиқиш тарихини билиш замонавий қонунчилик тизимларининг самарадорлигини таъминлашда муҳимдир. Шунингдек, мазкур тадқиқот инсон ҳуқуқларининг халқаро ҳуқуқдаги ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган назарий ва амалий ечимларни ҳам ўрганишни мақсад қилади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари инсоният цивилизациясининг муҳим ютуғи ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари деганда, миллий қонунлар ва халқаро-ҳуқуқий меъёрлар билан белгиланган, инсоннинг туғилганидан эътиборан эгалик қиладиган, умуминсоний ахлоқий қоидаларда ифодаланган, адолат, тенглик ва эркинликка устуворлик берувчи ҳуқуқ ва эркинликлар мажмуаси тушунилади. Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг моҳиятига кўра, фундаментал умуминсоний қадриятлар бўлиб, барча инсонларнинг тенг кадр-қимматга эгалигини тан олиш ва инсоннинг ақл-заковат, эрк ва ҳис-туйғуларга эга олий зот эканини эътироф этиш тамойилига асосланади¹.

Инсон ҳуқуқларини тушуниш учун, уларнинг тарихий шаклланиши ва ривожланиш жараёнини ўрганиш жуда муҳим. Инсоният цивилизациясининг илк даврлариданоқ озодлик, тенглик ва адолатли жамият қуриш ғоялари кўплаб мутафаккирларни қизиқтириб келган². Қадимги даврларда ҳам, ҳозирги кунда ҳам, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари институтига давлат тузилиши, сиёсий режим, иқтисодиёт ва маданият катта таъсир кўрсатган. Қулдорлик жамиятида туғилишдан тенглик ғоясининг амалга ошиши мумкин эмас эди, чунки бу тузумда бир одам бошқаларнинг озодлигини погон қилиб, уларни сотиб олиш ёки сотиш, ҳатто жазосиз ҳаётдан маҳрум қилиш ҳуқуқига эга эди. Шундай оғир шароитларга қарамай, баъзи инсонлар бошқаларни эксплуатация қилишга қарши чиқиб, ҳамманинг туғилишдан тенг эканлигини эътироф этганлар.

¹ Права человека: учебник для вузов / отв. ред. Е.А. Лукашева. М.: НОРМА, 2003. С. 13.

² Donnelly, Jack. "Human rights: a new standard of civilization?." *International Affairs* 74, no. 1 (1998): 1-23.



Илк жамоавий тузилмаларда, яъни табиатга тўлиқ боғлиқ бўлган даврларда инсон табиатга таъсир кўрсата бошлаган ва шунга мувофиқ турли тажриба ва билимларни тўплаган. Бу жараён инсоннинг ҳаётига таъсир қилиб, унинг фикрлаш қобилиятининг ривожланишига туртки берган. Шу маънода, назарий тафаккурнинг тараққиёти инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари концепциясининг пайдо бўлиши ва ривожланиши учун замин яратди. Қисқача қилиб айтганда, инсон ҳуқуқларининг шаклланиши қадимги даврлардаги ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий омилларга чамбарчас боғлиқ бўлган. Ушбу даврлардан бошлаб, мутафаккирлар ва ижтимоий етакчилар инсонларнинг тенглик ва эркинликка эга бўлиши лозимлигини илгари суриб, кейинчалик бу ғоялар давлат тузумлари ва ҳуқуқий тизимларда акс этган.

Қадимги дунёдаги ижтимоий тузилмалар, қулдорлик жамияти ва жамоа тузилишларида инсон ҳуқуқлари ғояси аста-секин шаклланган. Гарчи ўша пайтда инсон ҳуқуқлари ҳозиргидек институционал шаклланмаган бўлса-да, адолат ва тенглик ғоялари асосида ушбу ҳуқуқларнинг илк назарий асослари яратилган. Ҳозирги кундаги инсон ҳуқуқлари институти ана шу қадимги ғоялардан илҳомланиб, инсоннинг туғилиши билан берилган ҳақ-ҳуқуқларни тан олиш ва таъминлашга қаратилган.

Қадимги Шарқ давлатларида ва Хитойда ҳуқуқий тафаккурнинг шаклланиши мифологик ва ахлоқий ғояларга асосланган. Ҳаммурапи қонунлари ва Конфуций таълимоти каби манбаларда инсонлар ўртасидаги адолат, ҳурмат ва ҳокимиятга бўлган ишончнинг аҳамияти кўрсатилган. Бу ғоялар нафақат ўша даврларда жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий тизимини мустаҳкамлади, балки келгусидаги ҳуқуқий тизимлар ва қонунчиликни ҳам шакллантиришга асос бўлиб хизмат қилди.

Сукрот давлатни бошқариш фақат билимдон инсонлар қўлида бўлиши керак, деб ҳисоблаган. Бу ғоя унинг идеал давлат ва адолатли қонунчилик ҳақидаги тасаввурларини шакллантирган. Унинг билимдон инсонлар ҳокимияти ҳақидаги сиёсий ғоялари ҳам демократия, ҳам аристократия принципларига қарши чиқар эди. Бу фикрлар Сукротнинг сиёсий қарашларининг аҳамиятли жиҳатларини кўрсатиб, инсон ҳуқуқлари ва адолатли жамият қуриш ғоялари ривожда муҳим ўрин тутган. Сукрот фуқаронинг давлатга садоқати ва шахсий манфаатлардан воз кечиши ғоясини илгари суриб, давлат бошқаруви тўғрисидаги фикрларнинг янги йўналишини очди. Сукрот тиранияни қаттиқ танқид қилар эди. Унинг фикрига кўра, давлат фақатгина билимдон ва компетент инсонлар – давлат бошқарувини яхши тушунадиган кишилар томонидан бошқарилиши керак. Сукротнинг ҳаёти, таълимоти ва ўлими ҳам даврдаги одамларга, ҳам унинг шогирдларига катта таъсир кўрсатган. Унинг фалсафий ғоялари классик фалсафанинг янги даврини бошлаб берди ва сиёсий-ҳуқуқий тафаккурнинг юқори даражада ривожланишига йўл очди. Сукротнинг шогирди Афлотун (мил. ав. 427–347) унинг ғояларидан катта таъсирланиб, кейинчалик машҳур фалсафий асарлар ёзган. Афлотун Сукрот вафотидан кейин Афинага қайтиб, Академияни ташкил этди, у минг йил давомида фаолият юритди. Афлотуннинг эътиборли асарларидан бири идеал давлат ҳақидаги таълимот бўлиб, у давлатдаги ҳокимиятни шахсларнинг фазилатларига қараб тақсимлаш ғоясини илгари сурган. Афлотуннинг таълимотига кўра, давлат адолат тамойилига асосланиши лозим: ҳар бир шахс фақат ўз вазифасини



бажариши ва бошқа соҳаларга аралашмаслиги керак. Афлотун бойлик ва камбағалликнинг ҳар қандай шаклига қарши чиқиб, давлатда ўрта табақа барқарорлигини қўллаб-қувватлаган. У жамиятдаги кескин иқтисодий фарқлардан келиб чиқадиган зиддиятларни олдини олишга интилган.

Эътиборли жиҳати шундаки, Афлотуннинг идеал давлатда аёлларга эркаклар билан тенг ҳуқуқлар бериш ғояси ва қулликни бекор қилиш таклифи ўша давр учун ўта илғор фикр эди. Унинг қонун устуворлиги ғояси демократик давлатнинг асосий тамойилига айланди. Афлотун қонунларнинг аҳамиятини таъкидлаб, шундай деган: "Қонуншунослик барча илмлардан инсонни энг комил даражада тарбиялайди." Унинг фикрига кўра, қонунлар устуворлигини адолат таъминлаши керак. Давлат тузилиши мукамал бўлмайди, агар унда адолатли суд тизими мавжуд бўлмаса. Ҳар бир фуқаро адолатга эришиш жараёнига ҳисса қўшиши зарур.

Арасту (мил. ав. 384–322) Стагирда туғилган ва 17 ёшида Афинага кўчиб, Афлотуннинг Академиясида 20 йил давомида таҳсил олган. Аммо кейинчалик Арасту Академия ғояларига танқидий ёндашиб, ўз фалсафий мактабини ташкил этди – бу Афина Ликеяси эди. У сиёсат ва ахлоқнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқлигини илмий асосда тушунтиришга ҳаракат қилди. Арастунинг фикрига кўра, сиёсат ахлоқий қадриятларга асосланган бўлиши лозим. Сиёсат фанининг асосий мақсади – яхшилик ва адолатни таъминлашдир, чунки ахлоқсиз сиёсат ҳақиқий сиёсат эмас. Арасту қонунларни табиий ҳуқуқ ва шартли ҳуқуқга ажратган. Унинг фикрига кўра, инсон қонунлари инсон табиатидан келиб чиқувчи табиий ҳуқуқларга асосланиши лозим³. Яъни қонунлар фуқаролар ўртасидаги адолатни таъминлаши керак.

Сукрот, Афлотун ва Арасту ғоялари инсониятнинг сиёсий-ҳуқуқий тафаккурига катта таъсир кўрсатди. Сукрот адолат ва инсон ҳуқуқларининг асосий принципларини илгари сурди. Афлотун идеал давлат ҳақидаги таълимоти билан ҳокимиятни ақлли ва муносиб кишилар қўлида бўлиши кераклигини таъкидлади. Арасту эса сиёсат ва ахлоқни бирлаштириб, давлат қонунлари инсон табиатидан келиб чиқиши лозимлигини асослади. Уларнинг таълимотлари замонавий демократик давлатлар ва ҳуқуқий тизимларнинг шаклланишига мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилди.

Арастунинг таълимотида қонун ва ҳуқуқ ўзаро чамбарчас боғланган. Унинг фикрига кўра: "Ҳар қандай қонун ўз асосида ҳуқуқни назарда тутди." Демак, қонун ҳуқуқни ифодалаши, амалга ошириши ва унга риоя қилиниши керак. Агар қонун ҳуқуқдан четга чиқса, бу деспотик зўравонликка олиб келади, деб таъкидлайди Арасту. Арасту томонидан таклиф қилинган давлат ва жамият тузилиши сиёсий эркинликка эга фуқароларнинг давлат жараёнларида тенг иштирок этишига асосланган. Бу ғоя кейинчалик ҳуқуқий давлат концепциясининг пойдеворига айланди. Унинг фикрига кўра, бундай давлатнинг асоси фуқароларнинг эркинлиги, хусусий мулк ва оилага асосланади⁴. Арасту инсоннинг табиатига хос бўлган ўзини севиш ҳиссини давлатнинг асосларидан бири сифатида кўрган: "Ҳар бир инсон ўзини ҳеч нарсадан кўпроқ севиши ва ўзига энг яхши дўст бўлиши лозим," дейди у. Бироқ, у ўта манфаатпарастлик ва бойлик орттиришга қарши чиққан. Унинг фикрига кўра, мулк шахсий бўлиши керак,

³ Miller Jr, Fred D. "Aristotle and the origins of natural rights." *The Review of Metaphysics* (1996): 873-907.

⁴ Pakaluk, Michael. "Aristotle on human rights." *Ave Maria L. Rev.* 10 (2011): 379.



аммо унинг неъматлари умум манфаати учун хизмат қилиши лозим. Арастунинг таълимотига кўра, давлатда қонун устувор бўлиши лозим, яъни одамлар эмас, қонун ҳукмронлик қилиши шарт. Унинг фикрича, давлат – инсоннинг табиий эҳтиёжлари асосида ривожланган ижтимоий тузилма. Арасту инсонни “сиёсий жонзот” деб таърифлайди, чунки инсоннинг табиатидан тенгдошлари билан бирлашиш ва адолатли қонун асосида жамият ташкил қилиш эҳтиёжи келиб чиқади.

Қадимги юнон мутафаккирлари давлат ва ҳуқуқ тушунчаларини назарий жиҳатдан ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар. Эллин фалсафаси шахсий эркинлик тушунчасининг асосларини шакллантирди. Бу эркинлик нафақат ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан, балки руҳий озодлик сифатида ҳам талқин қилинди. Арастунинг таълимоти инсон табиати, давлат ва қонун ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ёритиб берди. Унинг фикрлари замонавий ҳуқуқий давлат ва қонун устуворлиги тамойилларига асос бўлиб хизмат қилди. Арасту инсонларнинг тенг ва эркин бўлиши ҳамда давлатнинг қонун асосида бошқарилиши жамият барқарорлиги учун муҳим деб ҳисоблади. Унинг таълимоти инсониятнинг сиёсий-ҳуқуқий тафаккур ривожига чуқур таъсир кўрсатди. Инсоннинг жамиятдаги ўрни ва унга ажратилган шароитлар (моддий ва маънавий неъматлар) инсоннинг ижтимоий қатламдаги мавқеи ва моддий ишлаб чиқариш тизимига боғлиқ ҳолда шаклланади. Улар шартли равишда инсон ҳуқуқлари деб аталади. Шунингдек, инсон ҳуқуқларининг халқаро ҳуқуқининг пайдо бўлиши ҳақида сўз юритиш ҳам муайян даражада шартлидир⁵. Чунки турли жамиятлар ва цивилизациялар доирасида инсон ҳуқуқлари ҳамда уларни ҳимоя қилиш механизмларининг умумий қонуниятларини аниқлаш зарур.

Инсон ҳуқуқлари ғоясининг илк шаклланиши милоддан аввалги V–VI асрларда Афина ва Рим каби қадимги полисларда кузатилган. Ушбу даврда фуқаролик концепцияси кенг тарқалган эди. Шу билан бирга, қулдорлик давлатларининг шакллари, жумладан, демократия, тирания ва аристократия, инсон ҳуқуқларининг ривожланишида муҳим роль ўйнади.

Қадимги Юнон давлат тузилмаси – полис ўзгача бир қулдорлик демократияси шаклида бўлган. Унда фақат озод туғилган ватандошлар тўлиқ ҳуқуқларга эга бўлиб, давлат (полис) тақдири учун ҳам бирдек жавобгарликни ўз зиммасига олади. Полисларнинг қонунлари фуқароларнинг “покизалиги”ни таъминлаш мақсадида тез-тез фуқароликни текшириб турарди. Бу жараёнлар уч авлодгача етиб борган насабни таҳлил қилишга қаратилган эди. Буни ўша даврдаги негрекларни (варварларни) ҳуқуқий нормаларга бўйсунмас шахслар сифатида қабул қилиш билан изоҳлаш мумкин. Полис фақат фуқароларнинг бирлашмасидан иборат бўлиб, чет элликлар узоқ вақт давомида ҳеч қандай ҳуқуққа эга эмас эдилар ва исталган вақтда давлатдан чиқарилиши мумкин эди (бу жараён ксеноласия деб аталган). Шунингдек, бутун халқларни мажбуран кўчириш амалиёти – депортация ҳам қўлланган. Бундай вазият полислар ўртасида нормал иқтисодий ва савдо муносабатларининг ривожланишига тўсқинлик қиларди. Бу чекловларни енгиб ўтиш учун проксения институти пайдо бўлган. Проксения инсон ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган дастлабки

⁵ Баскин Ю.Я., Фельдман Д.И. История международного права. М.: Междунар. от-ния, 1990. С. 25.



механизмлардан бири бўлиб, у аниқ бир полисда фуқароликка эга бўлмаган шахсларни ҳимоя қилишга йўналтирилган эди. Илк бора проксения шахсий асосда амал қилган ва ҳуқуқий нормалар билан эмас, балки ахлоқий ва диний қадриятлар асосида ривожланган.

Қадимги Юнон давлатларида, айниқса, полис тизимида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бўлган илк уринмалар кузатилди. Проксения институти халқаро ҳуқуқнинг шаклланишига замин яратган муҳим механизмлардан бири бўлиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг дастлабки шакллари намоянча эди. Илк бор ҳуқуқий ҳимоя механизмлари фуқароликка эга бўлмаган шахслар манфаатларини ҳам ўз ичига олди. Бу даврдаги ғоялар ва институтлар, кейинчалик халқаро ҳуқуқий нормалар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ривожланишлар учун муҳим асос бўлиб хизмат қилди.

Римда дипломатик дахлсизлик принципи ҳам амал қилган. Элчиларни боғлар ҳимояси остида деб ҳисоблашар ва уларга тажовуз ўта душманона ҳаракат деб қабул қилинган⁶. Бу диний меъёрлар дипломатлар ҳуқуқларини кафолатловчи муҳим омил бўлган. Қадимги Ҳиндистонда қулдорлик тузуми эмас, балки уруғ-қаўм тузилиши устунлик қилган. Инсон ҳуқуқлари фуқаролик билан эмас, балки инсон табиати ва жамият меъёрлари билан боғланган. Ҳиндистонда ҳам элчилар ва диний ходимлар шахсий дахлсизликка эга бўлган. Қадимги Хитойда ижтимоий нормаларда анъанавийлик устун бўлган. Жень принципи (яъни, “ўзингга ёқмайдиган ишни бошқаларга қилма”) инсон ҳуқуқлари билан боғланган эди. Бироқ, гуманизм меъёрлари асосан юқори табақаларга қаратилган, оддий одамлар эса ҳуқуқий ҳимоядан четда қолган. Хитойда суд тизими инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий воситаси бўлиб, арбитраж ва воситачилик кенг тарқалган эди. Бу тизим дастлаб давлатлараро низоларни ҳал қилиш учун мўлжалланган бўлса, кейинчалик хусусий ҳуқуқ низолиларида ҳам қўлланилган.

Хуллас, инсон ҳуқуқлари ғоясининг шаклланиши узоқ тарихий жараён бўлиб, турли даврлардаги жамиятларнинг сиёсий, иқтисодий ва фалсафий тараққиёти билан узвий боғлиқдир. Қадимги Юнон, Рим ва Шарқ цивилизацияларида адолат ва тенглик тамойиллари асосида инсон ҳуқуқлари концепциясининг илк назарий асослари яратилган. Бу даврлардаги мутафаккирлар – Протагор, Суқрот, Афлотун ва Арасту каби олимлар инсон ҳуқуқлари ғоясини ривожлантиришда муҳим роль ўйнаган. Улар ҳуқуқ ва давлат тузилмаси ўртасидаги муносабатлар, инсон табиати ва жамият ўртасидаги мувозанатни ўрганиб, инсоннинг туғилиши билан берилган ҳуқуқларни тан олиш зарурлигини илгари суришган. Зеро, ҳар бир цивилизация инсон ҳуқуқларининг ривожига ўзига хос ҳисса қўшган. Шундай қилиб, инсон ҳуқуқлари ва уларнинг фалсафий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш нафақат тарихий аҳамиятга эга, балки замонавий ҳуқуқий тизимларни такомиллаштиришда ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро стандартларни янада ривожлантириш ва қонунчиликни мустаҳкамлаш ушбу ғояларни амалга оширишда муҳим қадамдир.

⁶ Плутарх. Избранные биографии. М.; Л.: Соцэкгиз, 1941. С. 397.



References:

1. Права человека: учебник для вузов / отв. ред. Е.А. Лукашева. М.: НОРМА, 2003. С. 13.
2. Donnelly, Jack. "Human rights: a new standard of civilization?." *International Affairs* 74, no. 1 (1998): 1-23.
3. Miller Jr, Fred D. "Aristotle and the origins of natural rights." *The Review of Metaphysics* (1996): 873-907.
4. Pakaluk, Michael. "Aristotle on human rights." *Ave Maria L. Rev.* 10 (2011): 379.
5. Баскин Ю.Я., Фельдман Д.И. История международного права. М.: Междунар. от-ния, 1990. С. 25.
6. Плутарх. Избранные биографии. М.; Л.: Соцэкгиз, 1941. С. 397.